



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 2000 йил, 27 октябр, жума № 42 (425)

Сотувда нархи эркин

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори биринчи уринбосари А. Орипов бошқарди. Йиғилишда акционерлик компания ва жамиятлари, корхона, ташкилотлар раҳбарлари иштирокида тўққиз ойлик иш якунлари муҳокама этилди. Агентликнинг бош директори уринбосари М. Махмудов тўққиз ойлик иш якунлари тўғрисида маъруза қилди.

– Утган тўққиз ой мобайнида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 39,0 млрд. сўмлик даромад олинди. Аҳолига 13,71 млрд. сўмлик хизмат курсатилди.

Олинган даромадларнинг 11,2 млрд. сўми давлат кор-

хоналарига 13,4 млрд. сўми акциядорлик жамиятларига, 14,4 млрд. сўми қўшма корхоналар ҳисобига тўғри келди.

Асосий телефон аппаратлар сони 43,4 мингга ошди. Утган йилга нисбатан посылка жўнатмаларнинг ҳажми 40 фоизга, шаҳарлараро ва халқаро сузлашувлар сони 36 фоизга кўпайди. Хат жўнатмалари ва пул юбортмалари ҳажми утган йил даражасида қолди. Даврий нашрлар 11 фоизга, телеграммалар 4 фоизга камайди, 9616,3 млн. сўмлик капитал маблағ ушлаштирилди.

Дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан 734,9 млн. сўмга камайиб, 1 октябр ҳолатига 3,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Корхоналарнинг сифат курсаткичлари бироз ёмонлашди. Алоқа корхоналарига тушган шикоят ва аризалар сони утган йилнинг шу дав-

рига нисбатан 4 фоизга ошди. Акциядорлик компаниялари, корхоналар томонидан акциялар сотуви қониқарсиз равишда амалга оширилмоқда. Урнатилган телефон станцияларнинг сизими секинлик билан ушлаштирилмоқда. Шунингдек, маърузачи корхоналарда бажарилмаган ишлар ва муаммолар, камчиликлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг муҳокама-ларда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори А. Жўрабоев, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори К. Раҳимов. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори Р. Қосимовлар сузга чиқиди.

Йиғилишда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ



Тошкент телеграф-телефон станцияси биноси.

● Тилга эътибор – элга эътибор

## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОВАР ЭМАСМИ?

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ўн бир йилдан кўп вақт ўтган бўлса-да, айрим жойларда бу қонунга ҳамон панжа орасидан қаралмоқда.

Кейинги йилларда «Ўзбекистон почтаси» ДАК акционерлик компанияси томонидан жаҳон андозаларига мос келадиган юқори сифатли хатжилдлар, почта маркалари тайёрланиб, муомалага чиқарилди.

Штамплардаги ёзувларнинг давлат тилида бўлиши ҳам тўлиқ таъминланган эди.

Булар почта хизмати раҳбарлари ва ходимларнинг меҳнатлари самарасидир. Аммо айрим тумандаги алоқа ходимларнинг ўз ишларига маъсулиятсизлик билан ёндошаётганлари киши дилини ранжитмоқда.

Хусусан, буюртмалар хатларга уриладиган тўрт бурчакли штампларнинг булар тарфида кирилл алифбосида «З» ҳарфи бор, у «казное», деган маънони берса керак. Ўнгда хатнинг рақами, пастда алоқа бўлими жойлашган аҳоли пункти

номи ва рақами кўрсатилган. Мисол учун шу йил август ойида Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги 95-почта алоқа бўлимига топширилган хатлардан уч донасининг штампларидаги ёзувларга эътибор қилинган, «Б03», «Янгибазар Рус», «Ташкент-69» шаклида битилган.

Бу ёзувлар Андижон вилоятидаги Бўз тумани номи, Тошкент шаҳридаги 69-алоқа бўлимини ва Бухоро вилояти Пешку туманидаги Янгибозор кўргони номларини билдиради. «Рус» дегани: «Русский Янгибазар»ми ёки «районный узел связи»ми? – англаш қийин. Бу ҳол лоқайдликнинг асли ўзи эмасми?

Нахотки, буюртмалар хатлардаги штампларни давлат тили талабида ёзиш жойларда ўтирган мутасаддиларга шунчалар қийин бўлса. Ёки булар биз ўзини хурмат қилмаган кимса сингари қонунга ҳам беписандимизми?

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,  
хуқуқшунос,  
Тошкент шаҳри

● Матбуотда «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

● 26–31 октябрь кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи санъат саройида Малайзия кино ҳафталиги бўлиб ўтади.

● Ўзбек ҳаво кемаларининг парвозлар географияси яна биттага ошадиган бўлди. Тошкентда Люксембург ва Ўзбекистон уртаси-

да ҳаво қатновлари тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● Бойкўнғир космодромда ичиди Американинг космик алоқа аппарати бўлган «Протон К» Россия

● Туркияда комендантлик соати остида аҳолини умумий рўйхатга олиш ишлари ўтказилди. Аҳоли рўйхатга олинган куни самолётлар парвоз қилмади, жамоат транспорти ҳам ишламади.

● Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари дунёдаги энг узун сув ости йўли қуриш ташаббуси билан чиқиди. Ушбу йўл япон ороллари Транссибир магистрал темир йўли билан боғлайди. Япония Бош вазири Иосиро Морининг айтишича, қуриладиган 180 километрлик ушбу йўл кўп йиллик орзуларни рўёбга чиқаради.

ракета элтувчиси фазога кўтарилди.

● Шимолий Осетия Республикаси кўнини нишонлади.

● Америка армиясининг собик сержанти Али Мухаммад Нью-Йоркда бўлган судда 1998 йилдаги Американинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида рўй берган портлашларда айбдорлигини тан олди.

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Хабар» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлиmlарида ёзилиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:  
Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.

Ташкилотлар учун – 228.

«Хабар» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб

боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилиш!

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси республикамиздаги барча алоқа бўлиmlари, матбуот тарқатувчи жамиятлари ва айрим газета дўконларида 2001 йилга обуна қилишнинг давом эттирилмоқда.

Республикаларда «Мулкчилик тўғрисида»-ги, «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида»-ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши туфайли мулкнинг ҳар хил қурилиши ва улар асосида ишлаб чиқаришга кенг йул очиб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш буйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» ҳамда «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб бериш ва қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорларининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Олий Мажлисининг I қақирик XV сессиясида «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги ва II қақирик II-сессиясида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги қонунларнинг қабул қилиниши телекоммуникациялар соҳасида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги bosқичини бошлаб берди.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги қонуннинг 9-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги айрим фаолият турлари махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилиши белгиланган. Буларга: маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро, кучма радиотелефон алоқаси, шахсий радиочақирув, маълумотлар узатиш тармоқлари, телерадиоэширтишларни тарқатиш (трансляция қилиш),

тармоқларни лойиҳалаштириш ва қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматлар курсатишини киритиш мумкин.

Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига фаолиятнинг лицензияланадиган турларини аниқлаш ёки фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши тақиқлаш каби ваколатлар берилган. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар

қилиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатувчи маҳаллий провайдерлар тармоғи орқали тижорат хизмати курсатиш.

Якка тадбиркорлар шу ихтисосликнинг мутахассислари булишлари (тегишли диплом (гувоҳнома) соҳиблари булишлари) ҳамда тегишли имтиҳон комиссияси синовларидан ўтишлари керак.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

рилиши белгиланган.

Юридик мақомига эга бўлган тадбиркор эса бу соҳанинг мутахассиси бўлмаслиги ҳам мумкин. Ишлаб чиқариш фаолиятига унинг хусусий мулки асосида ташкил қилинади. У ўз низоми асосида ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиши мумкин ёки ўз ёллаган раҳбар (директор, раис) уставда белгиланган фаолиятни амалга оширади. Бунинг учун ҳодимларнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва керакли

садорлик жамияти» хизмат курсатаётган студия мулк эгаларининг тула мулкни қамраб олгани йўқ. Ҳар бир студия ўз мулки ҳақида даввогар ва жавобгар булиши мумкин. Улар юридик шахс мақомига эга бўлиши ва фаолият учун лицензия олиши ҳамда ўз улуши билан ХЖ таркибга кириши керак. Бунинг учун ўз фаолиятларини очқ хиссдорлик жамиятига айлантиришлари лозим. Бу ҳолда мазкур жамиятнинг шартномавий фаолият курсатиши учун имкониятлари кенгайди.

Тадбиркорларга банк хизмати курсатиш банк муассасаси билан тадбиркор ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони эса тижорат банклари ва тадбиркорлар алоқасини мустақамлашга яна бир омил бўлади.

**Маҳмадали ТУРҒУНОВ,**  
«Адолат кучи»  
адвокатлик фирмаси  
бош директори  
уринбосари

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК

агентлиги қонун асосида тайёрлаган «Телекоммуникациялар соҳасини лицензиялаш тўғрисида Низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигинда давлат руйхатидан ўтказилиши арасида. Унда жисмоний шахсларга куйидаги фаолиятлар учун лицензиялар бериш кўзда тутилган:

Юридик шахс мақомини олманган тадбиркорлар телекоммуникация соҳасида лицензияланадиган фаолиятлар учун 5 йилга лицензия олишлари мумкин:

1. Телерадиоэширтишларни тарқатиш хизмати;
  - телерадиоэширтишларни 0,1 Ватт қувватгача бўлган тарқатувчи орқали кабель тармоғи бўйлаб ретрансляция қилиш;
  - телерадиоэширтишларни 10 Ватт қувватгача бўлган тарқатувчи орқали эфир бўйлаб ретрансляция қилиш.
2. Маълумотларни узатиш тармоғида ўз тармоғини ташкил

тўғрисида»-ги қонунда белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркорлик юридик шахс мақомини олманган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Бу тадбиркор ҳодимларни ёллаш ҳуқуқига эга эмас, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда мустақил равишда иш юритади. Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизда амалга ошириши, эр-хотин номидан улардан бири иштирок этиши мумкин. Бу розилик якка тартибдаги тадбиркор руйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим. Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш амалга оширилаётганда, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш мўлажаларига киришиши олинган воқеа этган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оши-

мутахассислар билан меҳнат шартномалари тузади. Ҳодимларнинг меҳнат, дам олиш, пенсия, ижтимоий таъминоти ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва тегишли қонунлари асосида амалга оширилади.

Кабелли телевидение хусусида шуни айтиш мумкинки, у ҳам тадбиркорлар мулки асосида ташкил қилиниши керак.

Янги ташкил қилинган «Кабелли телевидение» влк хис-

## МАҚСАДИМИЗ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ!

Алоқа соҳасидаги мавжуд қонунлар устуворлигини таъминлашда Тошкент Давлат алоқа инспекцияси ходимлари сезиларли даражада ишлар олиб бормоқда.

Хусусан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган 2000 йил режа-жадвалига асосан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Тошкент вилояти буйича Оҳангарон туманидаги «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер» хиссасдорлик жамиятларида, Чирчиқ шаҳридаги «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси идоравий телефон станцияларида камчиликлар аниқланиб, раҳбариятга урнатилган тартибда курсатмалар берилган. Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасини текширишда, 1999 йил, 12 майда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасига, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан шаҳарлараро телефон линияларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишга берилган лицензия ва лицензион битим нусхалари иш жойида мавжуд эмаслиги аниқланган. Бундан ташқари Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасида ички транк алоқа хизматида 274 дона «Моторола» русумли радиостанциялардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома мuddати 2000 йил учун узайтирилмаган ва «Алоқа хизматлари учун тарифлар» нарх билдиргичига асосан ҳар йилги радиочастотадан фойдаланиш учун Электромагнит мослашув марказига тўлов йигими ҳам амалга оширилмаган.

«Чирчиқ-ТВ» телемарказ ва «Орбита» телерадиокомпаниялари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сонли қарори 4 бандига асосан қайта руйхатдан ўтмаганлиги аниқланди. «Чирчиқ-ТВ» телемаркази эса (РПТДА русумли) радиоузатгичлардан фойдаланишга Электромагнит мослашув марказининг рухсатномаси йўқ. Шакл 16 (шиқоғ), шакл 53 (алоқа) статистик ҳисоботлари ҳар чоракда Давлат алоқа инспекциясига тақдим этилмаганлиги ва яна айрим номхоний ҳолатлар аниқланган. Айни камчиликлар буйича рухсатнома олгунга қадар ўз фаолиятларини тўхтатиб туриш борасида урнатилган тартибда курсатмалар берилди. Шундан кейин «Чирчиқ-

ТВ» телемаркази барча зарурий ҳужжатларни топшириб рухсатнома олган. «Орбита» телерадиокомпанияси ҳам Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиясига қайта руйхатдан ўтиш учун ўз вақтида ҳужжатлар топширган, лекин рухсатнома бериш пайсалга солинмоқда. Шунингдек Бекобод шаҳар «Ўзметкомбинат» хиссасдорлик жамиятига қарашли «Пулат» телестудиясида теледастурларни узатиш буйича олинган «Лицензия ва лицензия келишуви шартномаси» шартларининг бажарилиши борасида ўтказилган теширишларда ҳам камчиликлар аниқланиб, уларга К-12/016 сонли курсатма берилди.


Инспекция ходимлари томонидан 2000 йилнинг 20 июлидан 20 августгача «Тошкент Телеком» акциядорлик жамияти ва унинг Келес, Олмалик, Зафар, Янгийул, Оққўрғон ва Газалкент филиалларида Тошкент вилояти аҳолисига алоқа хизмати курсатилиши сифати, «Лицензия ва лицензия келишуви шартномаси шартларининг ва бошқа қонуний ҳақда меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши назоратдан ўтказилди. Шундан кейин камчиликларни бартараф этиш учун жамиятнинг сўзасуликка йул қуйган раҳбар ҳодимларига зарур курсатмалар берилди.

Юқорида аниқланган камчиликлар асосида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида уч нафар раҳбар ҳодим маъмурий жавобгарликка тортилди.

Табиийки, ҳар бир соҳанинг ўз муаммолари булади. Қонун бузилишларининг олдини олиш эса ҳамжихатликда ишлаш ва ҳар бир ишнинг ўз вақтида пухта бажарилишидир. Тошкент Давлат алоқа инспекцияси ходимларининг мақсади ҳам барча соҳаларда қонун устуворлигига эришишни таъминлашдир.

Мақсадимиз ҳуқуқий давлатимизни янада мустақамлашга ўз улушларини қушишни барча бирдек ўз бурчи ҳамда Вантанга садоқати рамзи деб билсин.

**А. РЎЗМЕТОВ,**  
Тошкент Давлат алоқа инспекцияси  
бошлиғи вазифасини  
бажарувчи



**Электромагнит мослашув маркази биринчи тоифали муҳандиси Абдувосик ОРИФБОЕВ 25 йилдан бери алоқа соҳасида меҳнат қилиб келади.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**  
суратга олган

## ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

Шаҳарлараро ва халқаро сузлашувларни яқинда такомиллаштириш мақсадида воҳа алоқачилари Қарши ва Нуристон шаҳарлари оралиғида куп каналга мўлжалланган янги алоқа ускунасини урнатиб, ишга туширдилар.

Вилоятда универсал кредит карточкалар билан ишлайдиган автомат телефонлари ишга туширилиши узининг ижобий натижасини бераётди. Ҳозирда Қарши шаҳрида 6 та ҳамда ҳар бир туманда кредит карточкалари билан ишлайдиган автомат-телефонлар ишлаб турибди.

Корхонанинг 80 нафардан ортиқ ҳайдовчи ва техник хо-

димлари автотранспорт ҳодимлари кунини меҳнатда яхши натижалар билан кутиб олишмоқда. Улар мавжуд 78 хилдаги автотранспортларни қишки мавсумга шай қилиб қуйдилар.

Воҳа алоқачилари узаро сузлашувларнинг меъёр даражасини аниқлаш мақсадида мусобақа ўтказдилар. Асосий мақсад, сузлашув пунктларининг дид билан безатилганлиги, сузлашув маданияти, миқозларга яратилган шароит кабиларни янада яхшилашдан иборат бўлди.

Мусобақада Муборак тумани

алоқачилари биринчи урини кўлга киритдилар. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Бахтиёр АРАБОВ,**  
Қашқадарё вилояти

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Хурматли Турсунбой ЗУХРИДИНОВ!**

Сизни муборак 50 ёшини билан самимий кўтлаймиш. Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотир-жамлик, ишларингизга доимо омад вўр бўлишини яратгандан сураб қоламиз.

**Дўстларингиз,**  
Тошкент шаҳри

**С COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!**



## НОН ҚАДРИ

Бу ҳикматни қарийб бир аср умр курган раҳматлик тоғам Мирсоҳи Миролим ўғлидан эшитган эдим.

Ривоят қилишларича, Аллоҳ Одам Атони лойдан яратиб, сунг фаришталарга унга сажда қилишни буюрмиш. Фаришталар сажда қилишгандан сунг Одамга жон ато этилмиш. У киши биринчи бор нафас олиб, кўзларини очишлари билан «Алҳамдулиллоҳ!» демишлар. «Курдинларми, — дебди шунда Худо фаришталарга. — Мен ер юзидagi жамики нозу-неъматларни мана шу Одам учун яратдим. Аммо у мен яратган нозу-неъматларни татиб курмасданоқ «Алҳамдулиллоҳ», — деди. Яъни, менга шукрона айтиди. У шунинг учун ҳам улугдир».

«Мен очман, — дебдилар Одам Ато. — Менга нон берингллар».

Шунда Худонинг буйруги би-

лан ҳазрати Жаброил алай-ҳиссалом Одам Атога бир дона нон келтириб берибдилар. Одам Ато уринларидан туриб, нонни икки қўллари билан олаётганларида иттифоқо у ерга тушиб гилдираб кетибди. Одам Ато нонни қувиб кетибдилар. Нон бутун дунёни айланиб келиб, қўлдан тушиб кетган жойида тўхтабди. Одам Атомиз уни олиб, бир бурда синдириб еган эканлар. Ана шундан бери инсонлар нон топиш йулида меҳнат қилар эканлар. Яъни, ноннинг орқасидан қувиб юрар эканлар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассалам узларининг Ҳадиси шарифларида «Нонни эъозланг» деганлари ҳам балки шундандир. Бироқ бу яратганнинг узига аён. Валлоҳи аълам биссаваб.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ



Кузак сокинлик фасли.

Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зарур булган нарсаларни бунёд этиш йулида саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимган ва бундай одатни ҳаммаша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байроғини жилвалантириб, баланд кўтарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган булади.

\*\*\*

Азизим, агар ҳар қандай подшоҳ одамлар билан бирга бўлиш, бирга тирикчилик қилиш учун дустлик, хурсандчилик режасини тузмаса, халққа гамхўр бўлишдан, мамлакатни обод қилишдан қўл тортса, айш-иш-

рат, уйин-кулгига берилиб, кулоқларини фақат чанг ва ўднинг баланд бақриқ-нағмалари билан банд қилиб, ҳар бир дилтангнинг хазин ноласини

носибки, у халқ бошини машаққат гирибонидан халос эта олсин ва ҳар бир киши, ҳамма одам (аҳоли) у йулбошчилик қилган шу устувор-мумтоз замонада бошини роҳат болишига

олмайдилар. То подшоҳ (ҳоким) оёғи билан машаққат водийси даштини ихтиёр этмагунча, азоб-уқубат саҳросида қийналаётган кишиларнинг боши роҳат ёстиғига тегмайди.

## Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ АДОЛАТ ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР

эшитмаса, оқибатда халқни ҳам мамлакатни ҳам хароб қилади.

**БАЙТ**

**Бас, ўйин, маишатга берилса аҳли давлат,  
Уша давлат қулайди, хароб бўлар мамлакат.**

\*\*\*

Азизим, раҳбарлик, йулбошчилик шундай одамга му-

қуйиб фароғатда яшасин.

\*\*\*

Азизим, машаққатли ишни ҳал этмак учун жадал ҳаракат қилиш жангчи шерларга ўшаган мард эрларнинг ишидир. Бинобарин, шундай мардлик намунаси курсатилмаса, жаъми султонлар (раҳбарлар) ўз этакларига ёпишган тикан азобидан халос бўла

Турмуш учун зарур булган ноз-неъматлар эшиги ҳам, гулистон фароғатининг гули ҳам очилмайди.

Шу боис айтадилар:

**БАЙТ**

**Шоҳ учун эл осойиши катта ганж,  
Они деб ранж чекса шоҳ — йўқ элда ранж.**

## ● Биласизми? НУЖЛАР СЕВГАН ЮРТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таҳлилига қура, дунёда эли энг тўқ яшайдиган мамлакат Канада экан. «Бу нарсани узга сайёраликлар ҳам эътироф этишади, дея хаёл қилишади канадаликлар. Гап шундаки, кейинги йилларда номаъ-

лум учувчи жисм (НУЖ)лар бу ўлка осмонида тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда. Кузатуларга қараганда, фақат 1994-1996 йиллар мобайнидаёқ НУЖлар Канада осмонида 372 марта пайдо бўлган. Узга сайёраликларга айниқса мамлакатнинг Брита-

ния Колумбияси вилояти ёқиб қолган. Сабаби — бу вилоятга НУЖлар 1989 йилдан бери 465 марта ташриф буюрганлар.

Абдуҳажим СОЙБЕЖОНОВ  
тайёрлади

## ТАКАББУР БЎЛМА

Аллоҳ айтур:

«Саховатли бойни севарман, аммо саховатли камбағалга муҳаббатим бундан ҳам зиёдадир.

Камтарин камбағални севарман, аммо камтарин бойга севгим бундан ҳам зиёдадир.

Тоатли кексани севарман, аммо тоатли ёшга севгим бундан ҳам зиёдадир.

Такаббур бойдан нафратланаман, аммо такаббур камбағалга нафратим бундан ҳам зиёдадир.

Бахил камбағалдан нафратланаман, аммо бахил бойга нафратим бундан ҳам зиёдадир.

Гуноҳқор ёшдан нафратланаман, аммо гуноҳқор кексага нафратим бундан ҳам зиёдадир».

«ТАҚВО КИТОБИ» дан

## ● Бу қизиқ

### «СУПЕР» ТОВУШ ТУТҚИЧ

Сутэмизувчи ҳайвонларнинг қулоқ супраси воронка шаклида бўлиб, товушларни яхши илғаш учун мослашган.

Бу курғур қулоқ яна ҳаракатланувчан ҳам бўлиб, зарур товуш манбаи томон бемалол бурилади. Улар узоқдан келадиган товушни, ҳатто ниҳоятда суст булган тақдирда ҳам яқиндаги қаттиқ товушдан яхшироқ эшитишади. Ҳайвон қулоқларига шовқин тусиқларидан холи бўлиш имконияти табиий ато этилган.

Одам қулоғи эса товуш манбаини излашда фаол ҳаракатланиш қобилиятидан маҳрум. Буни қарангки, ҳозирги одамсимон маймунларнинг қулоғи ҳам унчалик ҳаракатчан эмас экан.

А. АЛИЕВ тайёрлади

«Ўзбектелеком» АК жамоаси Навоий Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Бозорали ТУНГИШ-БОВЕВга напси

Сатира САТЕКОВанинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Тошкент почтаси» акционерлик жамияти жамоаси директор муовини Татьяна СОРОКИНАга напси

Людмила Ивановна СОРОКИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## БОЛҚАЙМОҚ

Асалнинг минг дардга даволуғи тўғрисида жуда кўп мақолалар ёзилган, бу ҳақда катта китоблар ҳам бор. Асалнинг ўзини эмас, балки бирон бошқа нарса билан бирга истеъмол этилганда янада кўпроқ шифо бериши кўндан маълум. Асални жуда оз миқдордан бир кунда икки ош қошиғида нон ва чой билан истеъмол этилган маъқул. Агар сут, қаймоқ эки сариёққа аралаштириб ейилса, яна ҳам фойдалироқ булади.

Таркиби: 0,5 кг қаймоқ, 150 грамм асал, 1 ош қошиғида ун. Бу 5-6 кишилик нонушта.

Тайёрлаш усули. Асални сирли идишда оловга тутиб эритасиз. Қаймоқни ҳам алоҳида кастриюлкага солиб секин қайната-сиз, аралаштириб турасиз. Қайнагач, ёғи юзгага кўтарилади, худди шу пайтда эритилган асални қўшиб аралаштирасиз. Болқаймоқ қулоқроқ нонга илашмилли бўлсин, десангиз уни чимчилаб сегиб қориштиринг.

Таом иссиқ ҳолатида дастурхонга тортилади.

Фойдали хоссалари. Болқаймоқни халқ табобатида иштаҳаси қирқилган, қони камайган, қувватсиз беморларга шифо тарзида едирилган. Бу таомни шамоллаганда, грипп билан оғриганда, қуруқ йўталганда ейиш ҳам мумкин. Ўлка, юрак, ошқозон, инча ва жигар каби асосий аъзолари касалланган беморлар учун эса болқаймоқ парҳез таомдир.

МУАССИС:  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани  
АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул  
ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин  
ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000  
Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўлғезмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва сўратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатта олиш № 00011.

Буюртма № Г-742.

5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-  
МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6